



Ислом Нури

□□□□).

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор аzza ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўласизлар» дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи киши рукуъда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ такбир билан кўлларини кўтариши, рукуъда турганда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиши ва Аллоҳ таолони улуғлаши суннат. Мазкур зикрларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларида ворид бўлган. Бизнинг диёрларда амал қилинган уч марта “Субҳана Роббиял-азим” дейиш ҳадисларда ворид бўлган, лекин уни уч мартадан кўпроқ айтиш ёки бошқа лафзларда келган дуоларни кўпроқ айтиб туриш суннатга яна ҳам яқинроқ бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Рукуъда “Субҳана Роббиял-азим”ни камида уч марта айтиш суннат.
2. Рукуъда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиш мустаҳаб.
3. Рукуъда Қуръон ўқишдан қайтарилган.